
ДАВРА СУҲБАТИ

Марғилон туманлараро иқтисодий судининг раиси А.Акбаров томонидан “Байналминал” МФЙ биносида маҳалла фаоллари ҳамда МФЙ ҳудудида истиқомат қилувчи фуқаролар иштирокида Янги Ўзбекистон-ҳуқуқий демократик давлат: инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари, қонунчиликни янада ривожлантириш истиқболлари ва Мамакатимизда қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлашнинг асоси сифатида мулк ҳуқуқини суд орқали ҳимоя қилиш Конституциявий ислоҳотларнинг муҳим устувор йўналиши мавзулари асосида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбати давомида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини 30 апрелда ўтказилиши, Конституциянинг янги таҳрири ижтимоий, демократик ҳуқуқий ва чинакам халқпарвар давлатчилик асосларини яратиш, аҳоли фаровонлигини ошириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, умуман олганда, конституциявий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти аҳолига етказилди.

2023-03-24 14:18:02